



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 3/2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 9, НОМЕР 3/2

LOOK TO THE PAST

VOLUME 9, ISSUE 3/2



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабалжанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқуловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Камола Саипова ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПОТряСЕНИЯ 1917 ГОДА И ИЗМЕНЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОСТАВА НАСЕЛЕНИЯ ТУРКЕСТАНА.....	5
2. Аваз Ерметов ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СОВЕТ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАР (XX АСРНИНГ 20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....	15
3. Raximjon Xasanov YOSHLAR MA'NAVIYATI VA MILLIY TARBIYA.....	22
4. Alibek Bengmatov XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA JANUBIY O'ZBEKISTONDA SPORT KADRLARINI TAYYORLASH: SIYOSIY, IJTIMOIIY VA INSTITUTSIONAL OMILLAR TAHLILI.....	27
5. Ahmad Ergashev YANGI O'ZBEKISTON STRATEGIYASI: FUTBOL INFRATUZILMASINI MODERNIZATSIYALASHDA HUQUQIY ISLOHOTLARNING O'RNI.....	36
6. Baxtiyor Nazirov SURXON VOHASIDA XALQ MILLIY O'YINLARI GENEZISI VA TARIXIY-ETNOLOGIK TAVSIFI.....	45
7. Axmedjon Yusupov, Mohira Abdullayeva O'RTA OSIYO KO'CHMANCHI XALQLARI HARBIY BOSHQARUVIDA QUROL YAROG'LARNING O'RNI (ILK SAK-MASSAGETLAR MISOLIDA).....	54
8. Абдухолик Мингнарoв XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ВА ЖАДИДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ.....	60
9. Людмила Соколова ОСОБЕННОСТИ ПРОИЗВОДСТВА ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ВЫШИВКИ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ УЗБЕКИСТАНА НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ.....	67
10. Baxtiyor Xalmuratov O'ZBEK XALQINING ORNITOLOGIK QARASHLARI: TARIXIY VA ZAMONAVIY TAHLIL.....	72
11. Jamshid Peremkulov XIX-ASR IKKINCHI YARMIDA TOSHKENT SHAHRI MAHALLALARI TARIXI.....	78
12 Anvarjon Erqo'ziyev XIV – XIX ASRLARDA O'RTA OSIYONING XALQARO SAVDODAGI ISHTIROKI.....	86



Аваз Абдуллаевич Ерметов,
Тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
avazbek.ermetov@mail.ru

**ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СОВЕТ БОШҚАРУВ
ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА ФАОЛИЯТИДАГИ ХУСУСИЯТЛАР (XX АСРНИНГ
20-30 ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

For citation: Avaz A. Yermetov. FEATURES OF THE ROLE AND ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES OF UZBEKISTAN IN THE SOVIET SYSTEM OF MANAGEMENT (USING THE EXAMPLE OF THE 20-30S OF THE TWENTIETH CENTURY). Look to the past. 2026, vol. 9, issue 3.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19845441>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX асрнинг 20-30-йилларида ўлкада совет ҳокимиятининг бошқарув тизимида Ички ишлар органларининг ўрни, Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон ички ишлар идораларига юклатилган вазифа ва ваколатлар, шунингдек, фаолиятига оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: совет давлати, жамият, сиёсат, жиноят, КПСС Марказий Комитети, пленум, мафкура, тартиб-интизом, социалистик қонунчилик, милиция, вазифа, ваколат, низом. вазифа, ваколат, низом.

Ерметов Аваз Абдуллаевич
Доктор исторических наук, профессор
Национальный Университет Узбекистана
avazbek.ermetov@mail.ru

**ОСОБЕННОСТИ РОЛИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
УЗБЕКИСТАНА В СОВЕТСКОЙ СИСТЕМЕ УПРАВЛЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ 20-30-Х
ГОДОВ XX ВЕКА)**

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется роль органов внутренних дел в системе управления советской властью в стране в 20-30-х годах XX века, задачи и полномочия, возложенные на органы внутренних дел Узбекистана после национально-территориального размежевания в Средней Азии, принятия правовых и нормативных документов, связанных с их деятельностью.

Ключевые слова: советское государство, общество, политика, преступление, Центральный Комитет КПСС, пленум, идеология, дисциплина, социалистическое законодательство, милиция, обязанность, полномочия, положения.

Avaz A. Yermetov,
Doctor of Historical Sciences, Professor
National University of Uzbekistan
avazbek.ermetov@mail.ru

FEATURES OF THE ROLE AND ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES OF UZBEKISTAN IN THE SOVIET SYSTEM OF MANAGEMENT (USING THE EXAMPLE OF THE 20-30S OF THE TWENTIETH CENTURY)

ABSTRACT

This article analyzes the role of the internal affairs bodies in the management system of Soviet power in the country in the 20-30s of the twentieth century, the tasks and powers assigned to the internal affairs bodies of Uzbekistan after the national-territorial demarcation in Central Asia, the adoption of legal and regulatory documents related to their activities.

Index Terms: Soviet state, society, politics, crime, Central Committee of the CPSU, plenum, ideology, discipline, socialist legislation, militia, obligations, powers, provisions.

1. Долзарблиги:

Социалистик қарашларнинг асосчилари бўлган К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан илгари сурилган таълимотнинг ғоявий давомчиси ҳисобланган В.И.Ленин синфий курашнинг моҳияти, жамиятни бошқариш ва уни “пролетариат кўлида бўлишини таъминлаш” ҳақидаги ғояларни илгари суриб, ҳокимият халқни кўлига ўтганидан сўнг, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун махсус назорат органларини ташкил этиш зарурлигини кўрсатиб ўтади. В.Ленин капиталистик давлатларнинг бошқарув тизимига баҳо бериб, халқ томонидан амалга оширилган инқилобдан сўнг: “эркинликни истаган халқ бу “тайёр” давлат машинасини “парчалаб ташламоғи”, унинг ўрнига янги давлат машинасини ўрнатмоғи, полиция, армия ва бюрократия ўрнига халқни ёшасига қуроллантирмоғи керак”лиги[1] ҳақидаги ғоясини исботлашга ҳаракат қилади. Бу жараёнда “... аҳолининг барча камбағал қатламларининг, яъни аҳолининг ғоят кўпчилигини ташкил этган бу қатламларнинг ишончига сазовор бўладиган, уларга уюшишда ёрдам берадиган, уларга нон учун, сулҳ учун, эркинлик учун курашда ёрдам берадиган ҳақиқий синфий ва революцион куч, пролетар милициясини барпо этиш” ғоясини илгари суради.

Шу нуқтаи-назар асосида Ўзбекистон ҳудудларида ҳам ташкил этилган ички ишлар органлари ўлкада совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда давлат бошқарувининг асосий бўғинларидан бири сифатида фаолият юритган эди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XX асрнинг 20-30 йилларида совет жамиятида қилинган ўзгаришларнинг Ўзбекистонга таъсири, жумладан, бу даврда бошқарув тизими ва ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг кескинлашуви билан боғлиқ масалалар ўзбекистонлик олимлар Р.Шамсутдинов, (R.Shamsutdinov 2006), Қ.Ражабов (Q.Rajabov 2019), Б.Расулов (B.Rasulov 2012), Б.Хасанов, (B.Hasanov 2014), З.Ишонходжаева (Z.Ishonhodjayeva 2011), М.Жўраев (M.Jurayev 2000), А.Ерметов (A.Yermetov 2018) ва бошқаларнинг қатор асарлар ва мақолаларда ўз аксини топган.

3. Тадқиқот натижалари:

1924 йил охирларида Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланишдан сўнг, бу ҳудудларда фаолият юритган учта республика тугатилиб, Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Натижада Туркистон АССР, ХССР ва БССРлари ички ишлар идоралари ҳуқуқий ва худудий жиҳатдан Ўзбекистон ССР ИИХК тасарруфига ўтказилди. Жумладан, 1924 йил 14 декабрда Ўзбекистон ССР милицияси бошлигининг 16-сонли буйруғи эълон қилинди. Буйруқда

“Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Совет Социалистик Республикалари худудларида фаолият юритган ички ишлар органлари Ўзбекистон ССР милицияси тасарруфига ўтказилгани кўрсатилган бўлиб, эндиликда милиция органларининг таркиби бутунлай қайта кўриб чиқилиши зарурлиги, ходимларга милиция сафларида хизмат олиб бориш қоидалари ва жамиятда тартиб-интизомни таъминлаш борасида тегишли курслар ташкил этиш кераклиги, шунингдек, ташкилотда мустаҳкам тизимли тартиб ўрнатиш муҳимлиги” белгилаб берилди [2]. Туркистон АССР ИИХКга тегишли ҳуқуқий нормативлар, низомлар, юқоридан чиқарилган қарор, фармойиш ва кўрсатмалар асосида белгиланган ваколат ҳамда вазифалар ўзаро мувофиқлаштирилди [3]. Натижада милиция ва жиноят қидирув бўлимларининг фаолияти устидан умумий назорат қилиш Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигига юклатилди. Шундай бўлгани ҳолда, Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан қабул қилинган қарорда Туркистон АССР ИИХ комиссари ҳамда Бухоро ва Хоразм Республикалари халқ нозирлари вақтинча ўз ўрнида қолдирилди. Ўзбекистон ССРда ташкил этилган “Милиция ва жиноят қидирув” бўлимига 7 та вилоят бўлинмалари, битта туман шаҳар (Тошкентнинг эски шаҳрида) бўлинмаси, 13 та туман бўлинмалари ва Самарқанд вилоятининг вокзал олди бўлинмаси бўйсунар эди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг совет бошқарув тизимидаги ўрни ва ҳуқуқий мақоми ҳақида шу пайтда Ички ишлар халқ комиссари лавозимида ишлаган Раҳмат Рафикнинг мақоласи 1925 йил 22 апрелда эълон қилинди. Мақола “Ўзбекистоннинг Ички ишлар комиссарлиги ва унинг Шўро тузилишидаги усули” деб номланиб, унда ўша даврда ички ишлар комиссарлигига юклатилган вазифа ва ваколатлар, комиссарликнинг янги ҳуқуқат таркибидаги ўрни ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилади: “Ички ишлар комиссарлиги Шўро тузилиши усулида Шўро қонунларини умумий шароит асосларига мувофиқ амалга кўядиган қувватга молик бир муассасадир. Ички ишлар комиссарлиги ўз аҳамиятича ҳуқуқат ташкилоти бўлса ҳам, шубҳасиз, Ўзбекистон, Марказ ижроқўм идора ташкилотлари деб ҳисобланади. Ички ишлар комиссарлигининг вазифаси маҳаллалар билан қатнашиш ва боғланиш баробарида, маҳаллий муассасаларга юклатилган вазифаларда идора қилиш қоидаларини бажармоқ, оммани шўро давлат тузилиши, шўро жамиятлари билан ошно этмак. Аҳолини шўролаштириш асослари билан боғламоқдур. ...Ички ишлар халқ комиссарлиги Марказий Ижроия Қўмитасининг ижрочи ташкилотларидан бўлиб, ҳуқуқий жиҳатдан Шўро ҳуқуқатининг қарорларини бажаради [4]”.

Мақолада келтирилган фикрлар шу жиҳати билан қимматлики, унда биринчи марта ички ишлар халқ комиссарлигига юклатилган вазифа ва ваколатлар, уларнинг фаолияти билан боғлиқ маълумотлар келтирилади, бундай материаллар бошқа архив ҳужжатларида ҳам учрамайди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, мақолада комиссарликнинг бошлиғи томонидан ички ишлар комиссарлигига ўша давр талаби ва нуқтаи назаридан баҳо берилади.

Қайта ташкил этилган ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида ИИХК томонидан 1925 йил 1 декабрда “Ўзбекистон ССРнинг Совет Ишчи–деҳқон милицияси ҳақида Низоми” [5] қабул қилинди. Жумладан унинг 1–бандида: “Ўзбекистон ССРнинг Совет Ишчи–деҳқон милицияси марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг ижро этувчи органи бўлиб, улар томонидан инқилобий тартибни ҳимоя қилиш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан эълон қилинган қарор, буйруқ ҳамда фармойишларни ҳаётга татбиқ этади” - деб кўрсатилган. Умуман олганда бу даврда милицияга юклатилган вазифалар қуйидагилардан иборат бўлган: инқилобий тартибни ҳимоя қилиш, фуқароларнинг шахсий ва мулкӣ хавфсизлигини таъминлаш; юқоридан чиқарилган қонунлар, қарорлар, фармойиш ва декретларни ҳаётга татбиқ этишда иштирок этиш; қамоқхоналарни кўриқлаш; жиноятга қарши курашиш; аҳоли пунктларидаги санитар ҳолатни назорат қилиш; аҳолига паспорт бериш, почта орқали юборилган посилка ва пулли хатларни олишга доир тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ва йўқотилган ҳужжатларни қайта тиклаш; маъмурий жарималарни ундириш; қишлоқ хўжалигини назорат қилиш; қорамолларнинг сонини текшириб туриш ва бошқалар.

Шу билан бирга милиция органлари фаолияти давомида бир қатор комиссарликлар ва ташкилотларга ёрдам бериб турган [6]. Хусусан, Ер ишлари халқ комиссарлигига ўрмонларни қўриқлашда, овчилик ва балиқчилик қоидаларини бузмасликни назорат қилишда; Молия халқ комиссарлигига солиқларни йиғишда ва акциз қоидаларини бузилиш ҳолатларини текширишда, Ташқи савдо халқ комиссарлигига божхона ишларида; Адлия халқ комиссарлигига фуқаро ишлари бўйича суд чиқарган ҳукмларни амалга оширишда, жумладан, судга чақириш ва чақирув қоғозларини топшириш, суд белгилаган жарималарни ундириш ҳамда суд ҳукмига биноан яшаш таъқиқланган ҳудудларни назорат қилиш ва бошқаларда ёрдам берилган.

Жамиятдаги жиноятчиликни олдини олиш ва камайтириш ишларини жадаллаштириш жараёнида Ўзбекистон ССР МИК Президиуми томонидан қабул қилинган қарорда (1925 йил июль) “Темир йўл йўналишларида содир этилаётган ўғрилик (айрим ҳолларда бир кечада 15 та ва ундан ортиқ), талончилик ва бошқа қонунбузарликларга қарши курашиш” вазифаси ҳам юклатилди. Маълумки, Ўзбекистон ССР ҳудудларида совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг совет режимига қарши қуролли ҳаракат 1924 йилдан кейин ҳам давом этаётган эди. Бу масала Ўзбекистон ССР ИИХК йиғилишида (1925 йил 1 декабрь) муҳокама этилганида милиция органларига “Босмачи гуруҳларни ҳаракати тўғрисидаги тезкор ахборотларни (уларнинг сони, қуроллари, фаолият юритаётган жойи) ҳар бир ойда 2 марта тегишли ваколатли идораларига топшириб туриш”, чекка вилоятларда уларга қарши курашиш каби қўшимча вазифалар юклатилди [7].

1926 йил 23 сентябрда Ўзбекистон ССР ИИХК томонидан жиноят қидирув ва милиция органларининг фаолияти самандорлигини ошириш юзасидан қарор қабул қилинди. Унда “Барча вилоят маъмурий бўлим бошлиқларига жиноят қидирув ва милиция бўлимларини бирлаштириб, унга милиция бўлими бошлиғини раҳбар этиб тайинлаш вазифаси юклатилди.

Бу даврдаги милиция органларининг фаолияти давомида унга юклатилган вазифалар кўлами доимий равишда кенгайиб борган. Ички ишлар идораларининг солиқ органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти Ўзбекистон ССР ИИХК (Мавлонбеков) ва Молия халқ Комиссарлиги (Қ.Й. Пўлатов) томонидан 1926 йил 27 ноябрда тасдиқланган “Милиция органларининг солиқ назорати органларига ёрдам бериш мажбуриятлари тўғрисидаги қоидалар”да [8] белгилаб берилди. Мазкур қоида 8 банддан иборат бўлиб, унда “милиция органларининг солиқ инспекторларига халқ хўжалиги ташкилотлари ва солиққа тортилган бошқа ташкилот ҳамда муассасаларда (савдо шохобчалари, маиший хмзат тармоқлари ва бошқалар), патентларни текшириш ва тафтишлар ўтказишда иштирок этиш (кузатиб бориш), милиция ходимлари томонидан солиқ тизимининг бузилиши билан боғлиқ аниқланган камчиликлар ҳақида солиқ инспекторларини хабардор қилиш, солиқ инспекторининг ёзма талабига асосан белгиланган талабларни бажармаган саноат корхоналари, савдо-сотик шохобчалари ва солиққа тортилган бошқа тегишли ташкилотларни ёпиш ва улар устидан назорат олиб бориш (бу жараёнда белгиланган тартибда баённома тузиб солиқ инспекторини хабардор қилиш талаб этилади), ташкилотлар томонидан солиқ билан боғлиқ муаммолар ҳал этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг уларнинг кейинги фаолиятига рухсат бериш, солиқ инспекторлари томонидан тафтиш жараёнида ноқонуний махсулотларни тортиб олишда қатнашиш, зарур ҳолларда уларни вақтинча сақлаш учун қабул қилиш” каби мажбуриятлар юклатилди.

1926 йил 17 декабрда СССРда илк марта ўтказилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари жараёнида ички ишлар органлари ходимлари ҳам бевосита иштирок этган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон ИИХК томонидан (1926 йил 7 декабрда) барча вилоят милиция бошқармаларига “17 декабрда ўтказилиши режалаштирилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида иштирок этиш зарурлиги” [9] кўрсатилиб, бунда жамоат жойларида тартиб-интизомни кучайтириш, аҳоли рўйхатга олинган жойларни (клублар, қизил чойхоналар ва б.) ташкил этиш ва рўйхат маълумотномаларини қўриқлаш вазифалари юклатилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат бошқарув тизимининг асосини ташкил этган ҳужжат “Ўзбекистон ССР Конституцияси”да (1927 йил 31 мартда қабул қилинган) ҳам Ички ишлар халқ комиссарлигининг давлат бошқарувидаги ўрни ва ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди [10].

1927 йил март ойида ВКП(б) МК ҳузуридаги “Совет давлати аппаратини мустаҳкамлаш комиссияси” томонидан ИИХК фаолиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган текширувлар натижасида, жойларда ИИХКнинг фаолиятини янада такомиллаштириш учун уни марказий аппаратга бўйсундириш зарурлиги тўғрисида таклиф ишлаб чиқилди. Унда “ИИХКни тугатиш, унинг ўрнига ХКС ҳузурида фаолият юритадиган Марказий маъмурий бошқарма тузиш, ИИХКга юклатилган айрим вазифаларни бошқа комиссарликлар, бошқармалар ва ҳудудий ижроия комитетларига ўтказиш кераклиги” кўрсатилди. Комиссия томонидан ишлаб чиқилган таклифлар Ўзбекистон ССР ХКС томонидан 1927 йил 16 апрелда тасдиқланди. Натижада Ўзбекистон ССР ХКС ҳузурида Марказий маъмурий бошқарма таъсис этилиб, бошқарма куйидаги: 1) Марказий маъмурий бошқарма бошлиғи, 2) бошлиқ ўринбосари, 3) маъмурий назорат ва ФХДЁ бўлими, 4) камоқхоналар инспектори, 5) милиция инспектори, 6) жиноят қидирув инспектори, 7) дактолоскопик – рўйхат бюроси бошлиғи, 8) марказий маъмурий бошқарма котиби, 9) 2 нафар статистлардан ташкил топган умумий 10 та штатдан иборат структурага эга бўлди.

Шу тариқа 1927 йил майда Ўзбекистон ССРда ИИХК тугатилиб, унинг базасида жамоат тартибини сақлаш, жиноятнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа масалалар билан шуғулланувчи Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма ўз фаолиятини бошлади [11].

1927 йил 28 ноябрда Ўзбекистон ССР МИК ва ХКС томонидан “ХКС ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарманинг вазифа ва ваколатлари тўғрисида” ги [12] қарор ва низом қабул қилинди. Унда мазкур бошқарманинг асосий вазифа ва ваколатлари белгилаб берилди. Марказий ва жойлардаги ҳокимият органлари томонидан юқори давлат ташкилотларининг буйруқ, қарор, фармон ва фармойишларининг ижроси таъминланишини назорат қилиш; маҳаллий ҳокимият органларини жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлиги таъминлаш борасида олиб бораётган фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда бошқа маъмурий вазифалар юклатилди.

Низомнинг IV бандида, “ХКС ҳузуридаги Марказий-маъмурий бошқарманинг милиция ва жиноят қидирув инспекцияси республикадаги ички ишлар идоралари устидан умумий назоратни амалга ошириб, жамиятда тартиб-интизомни ўрнатиш, милиция органларининг жиноятга қарши курашиш борасидаги фаолиятини доимий таҳлил қилиш, фуқароларнинг шахсий мулкни кўриқлаш, республика миқёсида ички ишлар идораларига тегишли ўқув юртларини назорат қилиш ва бошқа ишларни олиб боради [13]” – деб кўрсатилган.

1927 йил 28 декабрда Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Марказий маъмурий бошқарма ва милиция бошлиғи томонидан “Шаҳардаги район милиция бошлиқлари ва ёрдамчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги йўриқнома”[14] тасдиқланди (14 параграфдан иборат бўлган мазкур кўрсатмада уларнинг фаолияти билан боғлиқ барча жиҳатлар белгилаб берилди).

Бироқ милиция органлари тизимидаги бундай қайта қуриш узоқ давом этмай, 1928 йилнинг октябрида Ички ишлар халқ комиссарлиги қайта ташкил этилган бўлса, Бутун Россия МИК ва ХКС томонидан чиқарилган қарорга мувофиқ 1930 йил 31 декабрда ИИХК фаолияти тўхтатилади[15]. Бу ўзгаришлар натижасида милиция бошқармаси мавжуд штати билан бирга ХКС тасарруфига ўтказилиб, вилоят, шаҳар ва туманлардаги милиция бўлимлари эса тегишли ҳудуд ижроия комитетларига бўйсундирилди.

1931 йил 25 майда биринчи марта СССР ХКС томонидан Ишчи–деҳқон милицияси ҳақида Низом ишлаб чиқилиб тасдиқланди [16]. Ушбу Низомнинг саккизинчи бандига асосан Ўзбекистон ССР ХКСнинг 1932 йил 3 апрелда ўтказилган йиғилишида “Ўзбекистон ССР ХКС ҳузуридаги Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси тўғрисидаги Низом”

тасдиқланди ва шу кундан муомалага киритилди. Ушбу низом умумий талаблар, ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасининг вазифа ҳамда ҳуқуқлари каби бўлимлардан иборат бўлган. Умумий талабларда “Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш ва инқилобий ҳукуматни ҳимоя қилишда ҳамда фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, мулкӣ даҳлсизлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилишда милиция органларига раҳбарликни амалга оширади” – деб кўрсатилган. 1932 йилда Ўзбекистон ССР милиция ходимларининг фаолияти билан боғлиқ иккита ҳужжат қабул қилинди. Улар “Ишчи-деҳқон милициясининг интизом низомномаси” ва “Ишчи-деҳқон милицияси ички хизматининг муваққат низомнома”лари[17] бўлиб, ушбу ҳужжатларда Ишчи-деҳқон милицияси ходимларининг бурчи, вазифаси, хизмат турлари, ишга қабул қилиниши, бошқа хизматга ўтиши, ишдан бўшатилиши ҳолатлари, рағбатлантирилиши ва умуман бу тизимдаги фаолияти билан боғлиқ муҳим жиҳатлар белгилаб берилди.

1932 йил 27 декабрда СССР МИК ва ХКСнинг 1918-сонли фармойишига асосан Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) ҳузурида Ишчи-деҳқон милицияси бош бошқармаси тузилиб, унинг таркибида жиноят қидирув бошқармаси ҳам ташкил этилди[18]. 1934 йил 10 июлда эса ИИХК қайта ташкил этилиб, Милиция Бош бошқармаси (бошлиғи Л.Н.Бельский бўлган) унга бўйсундирилди.

1936 йил 3 мартда ички ишлар идоралари таркибида Давлат автомобиль инспекцияси хизмати ташкил этилди ва ўша йилнинг 3 июлида Давлат автомобиль инспекциясининг Низоми тасдиқланиб [19], амалда татбиқ этилди. Низомда Давлат автомобиль инспекцияси ходимларига йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва назорат қилиш билан биргаликда, йўлларда содир этилаётган аварияларни таҳлил қилиш, уларга қарши курашиш ва олдини олиш ҳамда бошқа вазифалар белгиланди.

Таҳлил этилаётган йилларда жамиятда содир этилаётган иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ишларини такомиллаштириш мақсадида, ишчи-деҳқон милицияси таркибида 1937 йилда давлат ва жамоат мулкни ўзлаштириш ҳамда чайқовчилик билан шуғулланувчи шахсларга қарши курашиш учун БХСС хизмати тузилди.

4. Хулосалар:

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, бу худудларда фаолият юритган республикалар тугатилиб, Ўзбекистон ССР ташкил этилди. Натижада Туркистон АССР, ХССР ва БССР худудларида фаолият юритган ички ишлар идоралари ҳуқуқий ва худудий жиҳатдан Ўзбекистон ССР ИИХК тасарруфига ўтказилди.

Тадқиқ этилаётган йиллардаги хусусиятлардан бири бу ички ишлар органлари бошқарув тизимидаги ўзгаришлар бўлиб, жумладан, унинг фаолияти аввал ХКС таркибидаги Марказий маъмурий бошқармага, сўнг Бирлашган Давлат сиёсий бошқармасига бўйсундирилди. Ундан кейин яна ИИХК қайта ташкил этилганидан сўнг, милиция органлари унинг таркибида бошқарма сифатида фаолият юритди. Ички ишлар ходимларининг фаолиятига оид ҳужжатларнинг қабул қилиниши баробарида, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар ва жиноий ишлар, жиноятларнинг таркиби, ҳолати ҳамда улар юзасидан кўриладиган интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликлар тўғрисида тегишли қонун ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

Умуман олганда совет давлати томонидан жамиятда олиб борилган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий жараёнлар негизида ички ишлар идораларига юклатилган вазифа ва ваколатлар доимий равишда ўзгариб турди.

Иқтибослар / Сноски / References:

1. Ленин В.И. Ўйроқдан хатлар. 3-хат. Пролетар милиция тўғрисида // Тўла асарлар тўплами. Т.31. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – Б. 48 (Lenin V.I. Letters from afar. Letter 3. On the proletarian militia // Complete works. T.31. - Tashkent: Uzbekistan, 1977. - P. 48.).
2. Андижон ВДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 89-иш, 75-76-варақлар (State Archive of Andijan Region, fund 46, list 1, case 89, 75-76 pages).

3. ЎзР ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 774-иш, 163-164-варақлар. Archive Presidential Administration of the Republic of Uzbekistan, fund 58, list 1, case 774, 163-164 pages).
4. Рахмат Рафик. Ўзбекистоннинг Ички ишлар комиссарлиги ва унинг Шўро тузилишидаги усули. / Қизил Ўзбекистон, 1925 йил 22 апрель, 108-сон. (Rahmat Rafik. The Commissariat of Internal Affairs of Uzbekistan and its method of organizing the Council. / Red Uzbekistan, April 22, 1925, No. 108.)
5. ЎзР ИИВА, 76-фонд, 1-рўйхат, 915-иш, 31-37-варақлар (Archive of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, fund 76, list 1, case 915, 31-37 pages).
6. ЎзР ИИВА, 432-фонд, 4-рўйхат, 18с-иш, 7-варақ (Archive of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, fund 432, list 4, case 18s, 7 pages).
7. Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3192-иш, 478-варақ (The National Archive of Uzbekistan, fund 86, list 1, case 3192, 478 page).
8. . Ўз МА, 86-фонд, 1-рўйхат, 3239-иш, 33-варақ (The National Archive of Uzbekistan, fund 86, list 1, case 3239, 33 page).
9. Андижон ВДА, 46-фонд, 1-рўйхат, 126-иш, 79-варақ (State Archive of Andijan Region, fund 46, list 1, case 126, 79 page).
10. Конституция (Основной Закон) Узбекской Советской Социалистической Республики. - Самарканд: Издание Юридического Издательства СНК, 1927. – С. 8 (Constitution (Osnovnoy Zakon) of the Uzbek Soviet Socialist Republic. - Samarkand: Izdanie Yuridicheskogo Izdatelstva SNK, 1927. – S. 8).
11. Ўз МА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 9-иш, 149-варақ (The National Archive of Uzbekistan, fund 1708, list 2, case 9, 149 page).
12. Ўз МА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 156-варақ (The National Archive of Uzbekistan, fund 1708, list 2, case 9, 156 page).
13. Ўз МА, 1708-фонд, 2-рўйхат, 41-иш, 160-161-варақлар (The National Archive of Uzbekistan, fund 1708, list 1, case 41, 41 page).
14. Фарғона ВДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 252-257-варақлар (State Archive of Fergana Region, fund 36, list 1, case 1, 252-257 pages).
15. МВД России. Энциклопедия. Науч. ред., В.Ф.Некрасов. - Москва: Объединенная редакция МВД России, Издательский дом «Олма пресс», 2002. - С.16. (MVD Rossii. Encyclopedia. Nauch. ed., V.F. Nekrasov. - Moscow: Ob'edinennaya redaktsiya MVD Rossii, Izdatelsky dom "Alma press", 2002. - P.16.).
16. Сборник законов 1931 г. № 33, ст.247. Войтенков.Е.А. Деятельность органов внутренних дел по противодействию преступлениям и правонарушениям на автотранспорте и обеспечению дорожного движения в СССР (1917-1941 гг.): историко-правовой обзор. // История государства и права. 2013, № 20. - С.51. (Sbornik zakonov 1931 g. No. 33, st. 247. Voytenkov.E.A. Deyatelnost organov vnutrennix del po protivodeystviyu prestupleniyam i pravonarusheniyam na avtotransporte i obespecheniyu dorozhnogo dvizheniya v USSR (1917-1941 gg.): istoriko-pravovoy obzor. // Istoriya gosudarstva i prava. 2013, No. 20. - S.51.)
17. Временный устав внутренний службы Рабоче-крестьянской милиции. - Ташкент, 1932. (Vremennyy ustav vnutrenniy slujbu Raboche-krestyanskoj militsii. - Tashkent, 1932).
18. Карпец И. Как требует партия // Советская милиция, №.9, 1978. - С. 25. (Carpet I. Kak trebuet party // Sovetskaya militia, No. 9, 1978. - S. 25).
19. Войтенков Е.А. Деятельность органов внутренних дел по противодействию преступлениям и правонарушениям на автотранспорте и обеспечению дорожного движения в СССР (1917-1941 гг.): историко-правовой обзор. // История государства и права. 2013, № 20. - С.53. (Voytenkov E.A. Deyatelnost organov vnutrennix del po protivodeystviyu prestupleniyam i pravonarusheniyam na avtotransporte i obespecheniyu dorozhnogo dvizheniya v USSR (1917-1941 gg.): istoriko-pravovoy obzor. // Istoriya gosudarstva i prava. 2013, No. 20. - S.53).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqolalar o'zbek, ingliz va rus tillarida minimal 5 sahifadan iborat bo'lib, Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan holda bo'lishi shart.
2. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
3. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni, e-mail va telefon raqami, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
4. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida 60 so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
5. Keyingi qatordan 7-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
6. Keyingi qatordan asosiy matn boshlanadi va maqola (IMRAD) 4 qismdan iborat bo'ladi: Mavzuning dolzarbligi. Metodlar va o'rganilganlik darajasi. Tadqiqot natijalari. Xulosa.
7. Maqolalar ilmiy ahamiyatga ega bo'lib, ulardagi fakt va fikrlar asoslangan hamda mustaqil ma'no kasb etishi lozim, plagiat holati taqiqlanadi. Muallif foydalanilgan adabiyotlarni aniq ko'rsatishi, olingan iqtiboslarning aniq manbalarini keltirishi lozim.
8. Web of science hamda Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.
9. Iqtiboslar matn ichida [1, 25] beriladi. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 5 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word, 12 кегль, 1 см, со всех сторон 2 см.
2. Начала абзаца - 1,25 см, формировать строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от правой стороны Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, e-mail и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи. Эта информация должна быть предоставлена на узбекском, английском и русском языках.
4. В следующей строке аннотация из 60 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова 7-10.
6. Далее начинается основной текст. новый текст начинается со следующей строки, и статья состоит из (IMRAD) 4 частей: актуальность темы, методы и уровень исследования, результаты исследования, заключение.
7. Статьи должны иметь научное значение, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиата. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должен быть взяты из Web of science, а также системы журналов Scopus.
9. Цитирование приводится в тексте [1, 25] Полный список литературы должен быть указан после основного текста, а алфавитном порядке.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 5 pages, in Times New Roman, 12 pt., 1 inter.
2. The line head should be 1,25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The author's full name should be on the first line from the right; the author's place of work, position, academic degree, and academic rank, email address, and phone number should be on the second line; the article title should be centered in bold, capital letters, on the third line. This information should be provided in Uzbek, English, and Russian.
4. An annotation of 60 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages 7-10.
6. The next line begins with the main text. The main text begins on the next line, and the article consists (IMRAD) of four parts: the relevance of the topic, the methods and level of research, the results, and the conclusion.
7. Articles must be of scientific importance and facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. Seals and references should be in the main text [1, 25].